

1444 ҳижрий йилги ҳаж мавсуми бошланди



13:53 / 22.05.2023 1820

1444 ҳижрий йилги ҳаж мавсуми 2023 йил 21 май, якшанба куни расман бошланди. Бу ҳақда haramainsharifain.com манбасига таяниб, azon.uz сайти хабар берди. Шу кундан эътиборан дунёнинг турли давлатларидан зиёратчиларни олиб келувчи илк рейслар йўлга қўйилди.

Покистон зиёратчиларнинг биринчи гуруҳини якшанба куни жўнатишини эълон қилди. Ундан кейин Ҳиндистон душанба куни. Айти пайтда Мино, Арафот, Икки муқаддас масжид ва бошқа масканлар миллионлаб зиёратчиларни қабул қилишга ҳозирлик кўрмоқда.

Уларнинг сони расман эълон қилинмаган бўлса-да, ҳожилар сони 2 миллиондан ошиши кутилмоқда, бу COVID-19 пандемияси бошланганидан бери энг катта кўрсаткичдир. 1444/2023 йилги ҳаж ҳам хизматлар ва транспорт харажатлари ошишини ҳисобга олиб, тарихдаги энг қиммат ҳаж бўлиши кутилмоқда.

Чоршанба куни Икки Муқаддас масжид ходими подшоҳ Салмон бин Абдулазиз ас-Сауд Макка, Мадина масъуллари ва Ҳаж вазирлигига Ҳаж мавсумида Аллоҳнинг меҳмонларига муносиб хизмат кўрсатишни буюрган.